



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

“Тарих” кафедраси

КУРС ИШИ

**МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОНДА СОВЕТ ХУКУМАТИ
ТОМОНИДАН ДИНГА МУНОСАБАТ МАСАЛАСИДА
ЮРИТИЛГАН СИЁСАТ**

2013-2014 ЎҚУВ ЙИЛИ



Бажарди: 3 курс “305” гуруҳ талабаси Нишонова Н.

Текширди: т.ф.н. Муллажонов Р.

Тошкент-2014



Мундарижа

Кириш.....	3
§1. Шўро ҳукуматининг ислом динига муносабати	6
§2. Диний маънавий кадрятларга нисбатан юритилган шўро сиёсати.....	10
§3. Атеистик қарашларнинг жамиятда кучайтирилиши.....	16
§4. Совет ҳукумати томонидан динга нисбатан олиб борилган сиёсат оқибатлари.....	20
Хулоса.....	52
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	55

Кириш.

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигига эришгач, маънавий-марифий ҳаётда ижобий туб бурилиш юз берди. Жумладан, ўзбек халқининг бой давлатчилик тарихи унинг моддий ва маънавий меросини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилди. Республикамиз Президенти И.А. Каримов ўзининг “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” номли асарида Ўзбекистон тарихчилари олдида бир қатор илмий назарий ва амалий долзарб муаммоларини тадқиқ этиш вазифасини қўйган эди.¹

Ўзбекистон тарихининг кейинги йилларида илмий тадқиқот объекти сифатида кенг ўрганилаётган тадқиқ этилаётган даврларидан бири бу Совет даври тарихидир. Бугунги кунда бу давр тарихини ўрганишда чуқур илмий таҳлил ва тарихийликка асосланган объектив илмий тадқиқотни олиб бориш ва илмий хулосалар чиқариш тарихий тадқиқотларнинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Шунингдек, бу даврга бугунги кунда ўрганиши долзарб аҳамият касб этадиган соҳалардан бири диний масаладир. Собиқ иттифоқ даврида миллий масалалар билан бир қаторда диний масала, диний эътиқод масалалари ва махсус идоралар томонидан таъъийққа олинishi узок йиллар давомида чуқирлашиб борди, булардан кўзланган асосий мақсад миллий ва диний кадрларнинг йўқ қилинишига қаратилган сиёсат эди. Бироқ халқимизнинг миллий ва диний эътиқод ва урф-одатлар миллий кадрларга чуқур ҳурмат билан муносабатда бўлиши шўролар сиёсатининг натижа беришига йўл қўймади. Мустақиллик йилларида мазкур соҳаларда давлатимиз ва ҳукуматимиз томонидан амалга ошириб борилган ислохотлар ва виждон эркинлиги борасида қабул қилинган қатор қонунлар, миллий маъданий марказларнинг ташкил этилиши ва барча диний ва миллий кадрларнинг тикланиши учун кенг йўл очиб барилиши ҳамда давлат томонидан қўллаб қуватланиши, бу соҳанинг долзарблигини кўрсатиб беради.

¹Каримов И.А. “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” – Тошкент: Шарқ 1998йил Б.9.

Курс иши мавзусининг ўрганилиш даражаси.

Курс ишида ўрганилаётган масала бўйича ва умуман совет даври тарихининг тадқиқотлари борасида ўша даврларнинг ўзида ва айниқса мустақиллик йилларида бугунги кунгача бир қатор илмий асарлар ҳамда мақолалар ёзилган. Президентимиз И.А. Каримовнинг бир қатор асарлари жумладан, “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”², “Юксак маънавият – енгилмас куч”³, “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида”⁴ каби асарларида ҳам курс ишида кўтарилган муаммо бўйича бир қатор фикрлар билдирилган.

Бу даврда яратилган асарлар ва тадқиқотларнинг барчаси курс ишида қўйилган муаммонинг ечилишга айнан йўналтирилмаган бўлса-да, уларга совет ҳукуматининг дин соҳасида юритган сиёсатнинг айрим жихатлари ёритиб берилган. Бундай адабиётлар қаторида Н.Мухитдиновнинг “Кремльда ўтган йилларим”⁵, А.Авторхоновнинг “Кремль салтанати”⁶, Р.Шамситдинов ва Ш.Каримовларнинг “Ўзбекистон тарихидан материаллар”⁷ ва бошқа бир қатор адабиётларда совет ҳукумронлиги йилларида динга бўлган муносабат ва давлатнинг диний соҳада амалга оширган ва асосан тақиқларга ва таъқиқларга қаратилган сиёсатнинг маъзмуни ва моҳияти ҳақида бир қатор маълумотлар келтириб ўтишган.

Курс ишининг мақсад ва вазифалари.

Курс ишини бажаришда “Ўзбекистонда совет ҳукумати томонидан динга муносабат масаласида юритилган сиёсат”нинг моҳиятини очиқ бериш асосий мақсад этиб белгиланган. Мавзу мақсадидан келиб чиқиб, курс ишини бажариш учун қуйидагилар асосий вазифалар этиб белгиланади:

- ❖ Шўро ҳукуматининг ислом динига муносабатининг моҳиятини очиқ бериш;

²Каримов И. А “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” Т- “Ўзбекистон” 1998йил.

³Каримов И. А “Юксак маънавият –енгилмас куч” Т- “Маънавият” 2008йил.

⁴Каримов И. А “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” Т- “Ўзбекистон” 2012йил.

⁵Мухитдинов Н “Кремлда ўтган йилларим” “Ўзбекистон” Т- 1995-й.

⁶Авторхонов А “Кремль салтанати” “Чўлпон” 1993й.

⁷Шамситдинов Р, Каримов Ш. “Ўзбекистон тарихидан материаллар” “Андижон” 2004й.

- ❖ Диний - маънавий қадриятларга нисбатан шўролар сиёсатининг моҳиятини очиб бериш;
- ❖ Атеистик қарашларнинг жамиятда кучайтирилиши ва унинг оқибатларини кўрсатиб бериш;
- ❖ Совет ҳукумати томонидан динга нисбатан олиб борилган сиёсат оқибатларини кўрсатиб бериш;
- ❖ Мавзу юзасидан умумий хулосалар чиқариш.

Курс ишининг назарий-методологик асослари. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”, “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” каби асарлари, Ўзбекистонда тарих фани олдида турган долзарб муаммо ва вазифалар ҳақидаги хулоса ва тавсиялар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистоннинг янги тарихини яратиш тўғрисида”ги 1996 йил 16-декабрдаги ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги 1998йил 27-июлдаги қарорлари назарий услубий асос бўлиб хизмат қилади.

Курс ишида тарихийлик, холислик, илмийлик, мантиқийлик, кетма-кетлик каби тамойилларга асосланилди. Кўрсатиб ўтилгандек, “Ўзбекистонда совет ҳукумати томонидан динга муносабат масаласида юритилган сиёсати” тарихини яратиш борасида бир қатор тадқиқотлар амалга оширилган тадқиқотишларининг тахлили орқали маскур масаланинг курс иши сифатида амалга оширилиши ишининг маълум даражадаги кичик илмий янгиликни белгилаб боради. Курс ишининг мавзуси билан боғлиқ мавзуларда, коллеж ва литсейларда, семинар ва мустақил таълим топшириқларини бажаришда, рефератлар таёрлашда ёрдамчи малумот сифатида фойдаланиш мумкин.

Курс ишининг тузилиши. Курс иши кириш, асосий қисмни ташкил қиладиган 4 та параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан таркиб топган. Ишнинг умумий ҳажми 26 саҳифадан иборат.

1§. Шўро ҳукуматининг ислом динига муносабати.

Шўро ҳукумати ва Компартия Туркистонда октябрь ҳарбий тўнтаришини амалга оширган биринчи кунлардан бошлабоқ халқимизнинг миллий, диний, урф-одатларини, қадриятларини камситиб, поймол қилиш йўлини тутди. Бунинг моҳияти бугунги кунда ҳар биримиз тушунамиз албатта. Чунки, қизил мустамлакачилар халқимизни миллий ва диний маънавиятини ўзгартирмасдан туриб, онгини бутунлай ўзгача руҳда тарбияламасдан туриб, бу ўлкада узоқ муддат ҳукмронлик қила олмаслигини яхши билар эдилар.

Ҳар қандай ижтимоий тузум мактаб-маъориф, илм-фан ва шу каби муҳим соҳа вазифаларни ҳал этмасдан истиқбол сари кўз тиколмаслиги аёндир. Шу сабабдан совет ҳукмати мутасаддилар ҳам бу масаларга аҳамият берар эканлар, аввало, уларни ўз синфий манфаатлардан келиб чиқиб ҳал этишга интилдилар.

Совет ҳукмати айёрлик билан иш тутиб, диний мактабларни бутунлай йўқ қилмасдан улар ўзларини мактабларини кўпайтириб, халқ ичига, онгига кириб борди ва етишиб келаётган ёшларни ўзгартиришга, руслаштиришга қайсидир маънода муваффақ бўлди.

Демак, бундан кўриниб турибдики бу ишни большевиклар бирданига эмас, аста-секинлик билан амалга ошириб бордилар.

РСФСР ХК совети 1917 йил 20 ноябрда эълон қилган ва В.И.Ленин имзолаган “Россия ва шарқнинг барча мусулмон меҳнаткашлари”га мурожатида “сизнинг дин ва урф-одатларингиз бундан буён эркин ва дахлсиз...”⁸ деб эълон қилинади.

Қолаверса, 1918 йил 23 ноябрда эса В.И.Ленин имзоси билан “Черковни давлатдан ва мактабни черковдан ажратиш ҳақида” дикрет эълон қилинди. Бу дикрет РСФСР ва ССР конституциялари асосида тузилган Ўзбекистон ССРнинг 1927 ва 1937йилларда қабул қилинган конституциялари

⁸Ленин В.И. Ўрта Осиё ва Қозоғистон тўғрисида –Т. 1967. 405-б.

учун асос қилиб олинди ва виждон эркинлиги ғояси илгари сурилди. Шу ўринда савол туғилади, бу қонун қарорлар амалда ҳаётга тадбиқ этилганми? Биз тарихдан биламизки, албатта бу қонунлар ўрнида, амалда мутлақо бошқа қонунлар ҳукмронлик қилди.

Жумладан, 1925 йил бошила Л.М Каганович имзоси билан жойларда “диний ташкилотлар бирдан бир легал ҳаракат қилаётган ва оммага таъсир кўрсатувчи аксилинқилобий кучдир”,⁹ деган директива юборилди. Жойлардаги большевистик ташкилотлар учун ушбу ҳужжат дин ва диндорларга муносабат учун бирдан бир асос бўлди. Шўро ҳукумати ва компартия “дин-халқ учун афюндир” деган ғоя амал қилди.

Шўролар ислом динига бўлган муносабатида қуйдаги ҳолатларни кўришимиз мумкин: диндорлар таъқиб ва таъзийқ остига олинади, диний маъзмундаги китоблар “реаксион” деб эълон қилинади.

Қолаверса, диний китобларни йўқотиш баҳонасида араб алфавитига асосланган эски ўзбек имлосидаги барча китоблар йўқ қилинди. Бундан кўриниб турибдики, тилимиз, динимиз, ёзувларимиз, миллатимиз анъаналари, барча-барчаси йўққа чиқарилишига қаттиқ интилишган.

Шўроларнинг ислом динига муносабати шунчалар шафқатсиз, совуқ бўлганки, ҳатто масжид ва мадрасалар бузиб ташланган. Сақланиб қолинган баъзи бир масжидлар эса тарли хил дўкон, ўғитлар сақланадиган омборхона ёки темирчихона кабиларга айлантирилган ва фойдаланилган. Бундан ташқари, мадрасалар ва қадимий обидаларимиз пештоқи ва деворларидаги араб имлосидаги ёзувлар ҳам йўқ қилинди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, шўролар даврида “Аллоҳнинг уйи бўлган масжид худосизлар уйига айлантирилган. яъни унда атеизм музей очилган эди.”¹⁰

1935 йилга оид маълумотларга қаралганда, Бухоро шаҳридаги Девонбеги мадрасасида Бухоро ёдгорликларини сақлаш комиссиясининг иш

⁹ЖўраевН, Каримов Ш, “Ўзбекистон тарихи” 2-китоб, “Шарқ” – Т. 2011й. 413 бет

¹⁰Саидов Муродулла, Равшанов Поён. “Жейнов тарихи” –Т. Абу Али ибн Сино нашриёти. 1996 й. 81-бет.

юритиш хонаси, экскурсия баъзаси жойлаштирилган. Кўкалдош мадрасасида ва Девонбеги хонасида Бухоро шаҳар музейи бўлими жойлашди. Масжиди Колондан ғалла омбори сифатида фойдаланганлар, кўшмадрасада пахта сақланган экан.

Худди ўша 1935 йилги маълумотларида таъкидлашича Мири Араб мадрасаси, Боховуддин Нақшбанд мазори ҳамда масжиди ва бошқалар диний марказлар сифатида қоралаб келинган. 1938 йилда Бешкентга антиқа “тарихий воқеа” рўй берди. Шу куни партия ва ижроия кўмиталарининг кўшма хайъати мажлиси бўлади. Унда Маманазаров, Жамак, Отабоев, Жовлиев, Аслонова, Дорошенко, Шохобитдиновлар қатнашган.¹¹ Кўшма хайат “Касби қишлоқ шўросидаги кўхна масжид ҳақида” ги масалани кўриб чиқади: “...Қишлоқдаги майдонда фойдаланмай хароб бўлиб кетган масжид Сталин номли жамоа хўжалиги аъзоларининг зўрлиги билан масжиднинг керакли ғиштларини олиниб, бошқа керали жойга харслансин ва шунинг тасдиғи жавоби ЎзССР Марказий Ижроқўмининг хайъатидан сўралсин”¹²- дейилган эди. Ана шу тариқа қадимий тарихий обидалар, масжид вამ адрасаларни бузиш ғиштларини “керакли ” жойларга ишлатиш, жамоа хўжаликларининг “розилиги” билан бутун Ўзбекистон ҳудудида нафақат 20-30 йилларда балки, ундан кейинги йилларда ҳам анъанавий тус олган эди.

Бунга ўхшаш мисолларни биз кўплаб келтиришимиз мумкин. Тарихдан бизга маълумки, 20йилларнинг охирларида Қарши шаҳрида мадрасалар қамоқхоналарга айлантирилган. “Хўжа Абдулазиз мадрасасида авахтада ётганларида хибсга олинган бечораларни йўқ жойдаги азоблар билан қийнар эканлар. Қиш вақтида денг, мадраса ховузининг музини ёриб бандиларни сувга олиб қийнар эканлар...”¹³ Қолаверса, шўроларни ислом динига бўлган совуқ муносабатини биз Ўткир Хошимовнинг “Ўзбеклар” асаридаги қуйдаги сатирларида ҳам кўришимиз мумкин. “... 1991 йил таниқли олим ва журналист Ахмедов Сирожиддин шажарамиз тўғрисида маълумот

¹¹Жўраев Н, Каримов Ш, “Ўзбекистон тарихи” 2-китоб, “Шарқ” – Т. 2011й. 413 бетЖўраев Н, Каримов Ш, “Ўзбекистон тарихи” 2-китоб, “Шарқ” – Т. 2011й. 413 бет

¹² Саидов Муродулла, Равшанов Поён. “Жейнов тарихи” –Т. Абу Али ибн Сино нашриёти. 1996 й. 226-бет.

¹³“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 1993-й. 4-июн.

берди. Кекса ёшдаги қариндошларим бу дамларни менга айтишмаганди. Сабаби шундаки, агар бу гапларни билганимда қаердадир ёзишим муқаррар эди. Шўро сиёсати эса “халқ душманларига” алоқадор бўлган одамни кўкартирмаслиги аниқ эди”¹⁴

Бундан кўриниб турибдики, ўша даврда ота-боболаримиз тўғрисида, қариндошларимиз тўғрисида маълумотга эга бўлолмаганмиз. Шўро сиёсати, қариндошлардан биронтасини “халқ душмани” деб элон қилса, фарзандлари, қариндошлари ўша инсон узоқлашишга мажбур бўлганлар. Натижада ҳатто фарзандлар бора-бора ўз ота-боболари ким эканлигини ҳам билмай ўтишлари кузатилди.

Ўткир Хошимов шўро сиёсатини қоралаган ҳолда, унинг халққа ўтказган қаттиқ зулмини таъкидлаган ҳолда яна шундай ёзади. “...фуқоролар уриши йиллари Бекларбеги олдида одамларни тўплаб, уларнинг дилига ваҳима солиш учун “намунали қилиб” отиб ташланганлар орасида онамнинг тоғаси Абдусафийхон ҳам бўлган. Бу бегунохларнинг “гуноҳи” ўз эътиқодидан – динидан вос кечганида эди, ҳолос. Болалигимда элас-элас қулоғимга чалинган бу фожиа мустабид тузум қутирган 37 йилларда кечган экан”¹⁵ Худоба шукри, 1991 йил ватанимиз мустақилликка эришди ва минглаб инсонлар эътиқод ва иймонлар сари юз тутди. Большевиклар эса дин арбобларига, эл ҳурматини қозонган маърифатли, илмли алломалар деб эмас, балки, “текинхўр, фанатик” деб қарашган ва қаттиқ зулм ўтказишган.

Шундай қилиб, Шўро ҳукумати ва большевиклар иложи борица динни чеклашга, ҳар бир мусулмонни иймонидан, эътиқодидан қайтаришга уринди. Улар динга ва мусулмонларга шу қадар тажовускорона муносабатда бўлдики, мусулмон бўлганлар энди “Мен камунистман” дейишарди. Аммо улар барибир қалбан ўзларини англаган ҳолда уйда тақводор, ҳудожўй бўлганлар. Халқимизнинг ҳар қандай ҳолатда ҳам тақводорлигини

¹⁴Ўткир Хошимов “Ўзбеклар” Ғофур Ғулом нашриёти, -Т, 2011й. 5.б.

¹⁵Ўша манба. 5.б.

йўқотмаганлиги сабаби миллий, диний урф-одатларимиз шу кунгача йўқотмасдан яшаб келмоқда.

2§. Диний маънавий қадриятларга нисбатан юритилган шўро сиёсати.

Шўро ҳукумати томонидан турли хил сиёсатларнинг барчаси кайсидир маънода динга, динни сиқишга, мусулмон аҳолига қаратилган эди.

Россия империясининг инқилобидан аввалги мусулмон руҳонийлари, нафақат мусулмон халқларининг олий, диний рахбари эди, балки улар уюшган миллий –сиёсий куч ҳам эдиларки, рус ҳукумати бу билан ҳисоблашар эди.

Россия империяси мусулмон руҳонийларининг ўз халқлари тарихи олдидаги буюк хизматлари шунда эдики, улар диндошлари онгига тушунчани сингдиришар – ирки, тили ва ҳудудларига қарамай, барча мусулмон ягона руҳий, тарихий ва ижтимоий бирликдир. Улар иймон ва қисмат ила ўзаро бирлашганлар.

Шуниси қизиқки, машҳур совет шарқшунослари исломнинг мусулмон элатларининг миллатга бирлаштириувчилик вазифасини тан олдилар.

Т. Саидбоев ёзади: “...Ислом турли қабиалар ва қабиаларнинг этник бирлик сифатида шаклланишида ёрдам қилган”¹⁶ ислом динининг ижтимоий фалсафасига синфийлик, оқуялик, калондимоклик руҳи ётдир. Ислом халқларга “ҳамма одамлар оға-инидир”, қуллар ва қулдорлар бўлмаслиги лозим деган шиорни олиб келди. Шунинг учун ҳам Муҳаммад алайҳисалом ҳаётликларидаёқ биринчи мусулмонлар араб қуллари эдилар. Шу муносабат билан бошқа динларда йўқ нарса ислом масжидлари ички ташкилотининг демакратлигини таъкидлаш лозим.

1917 йил феврал инқилобидан сўнг мусулмон халқлар ҳаракатининг кураши диний шакилга кирди, бир ерда тўла мустақиллик учун қарашлар, бошқа ерда мухторият талаб қилар эдилар. 1917 йилнинг майидаги Кавказ тоғликларининг биринчи қурилтойи ислом давлати тузумини талаб қилди,

¹⁶ Авторхонов Абдурахмон. “Кремл салтанати” // рус тилидан таржима ва сўзбоши. Қ Бахрвники – Т. Чўлпон 1993й. 39-бет

ислом учун Узун Хожи “Шимолий Кавказ амирлиги” номи билан бу давлатни эълон қилди.¹⁷ 1917 йил ноябрь – декабрида Туркистон халқларининг биринчи Ҳақулодда қурултойи Туркистонда шариат асосида мухторият талаб қилди ва Қўқон мухторияти барпо этилишини эълон қилди.¹⁸

Бўлғуси “ислом армияси” (бошчилик) ўзаги сифатида мусулмон қўшинлари тузила бошланди. Бироқ мусулмон халқлар ўзларининг тўла миллий мустақилликларини ва Россия таркибидан чиқишларини ҳокимиятни большевиклар босиб олгач эълон қилдилар. Большевиклар ҳокимият илнжида юрганда ва уни қўлга киритган дастлабки ишларида мусулмонлар масаласида ўта эҳтиёткорлик ва ошкоралик билан иш қўрдилар. Масаланинг буткул мураккаблиги ва уни ечиш учун қайишқоқ усуллар зарурлигини ҳисобга олиб, мусулмонлар масаласини большевиклар икки қисмга бўлдилар.

1. Мусулмонлар масаласи сиёсий–илмий масаладир. 2. Мусулмонлар масаласи маданий-диний масаладир.¹⁹ Масаланинг биринчи қисмини ечиш учун иккинчи қисмига нисбатан юксак услуби қайишқоқлик лозим эди. РКП (б) дастури ҳам шуни талаб қилади, унда “миллий туйғуларнинг қолдиқларига алоҳида эҳтиёткорлик ва алоҳида этибор лозим”лиги такидланади. 1917 йил декабрида совет ҳукумати мусулмонларга ўз вақтида подшо ҳукумати мусодара қилган ва Давлат оммавий кутубхонасида сақланаётган муқаддас Қуръоннинг “Усмони” нусхасини қайтариб бериш тўғрисида қарор чиқарди.²⁰

Бу муқаддас китоб 1917 йил декабрида Петроградда ўтган мусулмонлар қурултойида тантанали равишда топширганди. 1917 йил январида миллатлар халқ комиссариати қарори билан Оренбургдаги масжид бошқирдларга берилди.²¹

Ўрта Осиё, Кавказ, Қозоғистон ва Қримнинг мусулмон халқларига ҳам Чор ҳукумати мусодара қилинган. Ҳудди шундай қатор диний-тарихий ва миллий асори-антиқалар қайтарилди. Буларнинг бари мусулмонлар кўз ўнгида

¹⁷ Авторхонов Абдурахмон. “Кремл салтанати” // рус тилидан таржима ва сўзбоши. Қ Бахрвники – Т. Чўлпон 1993й. 41-бет

¹⁸ Ўша жойда.

¹⁹ “Кремл салтанати” // рус тилидан таржима ва сўзбоши. Қ Бахрвники – Т. Чўлпон 1993й. 41-бет

²⁰ Ўша жойда.

²¹ “Кремл салтанати”. 42-бет

совет ҳукуматининг обрўйини қайтарди. Большевикларнинг айёрона усулини мусулмонлар хали англамас эди, бу усул мева берди. Бунинг устига большевиклар мусулмон минтақаларида комунизм ва шариат қарама-қарши эма, бир-бирига мосдир, деб ташвиқот қила бошладилар. Шунинг учун ўша пайтда мусулмон руҳонийларининг бир қисми: “шариат совет ҳукумати учун!” деган шиорни олға сурди.

Сталин 1921 йилда Доғистон ва Тверь вилоятлари халқларининг курултойларига “совет шариатчилари” шиорини ошкора қувватлаганда айнан ана шу “совет шариатчилари” ҳаракатини назарда тутган эди. (Туркистонда Бобоҳон, Татаристонда Расулов, Доғистонда Трко Хожи, Чеченияда Али Минтоев ва Суғойиб мулло ана шу ҳаракатнинг машхур мафкурачилари эдилар.²²) мусулмон халқларининг сиёсий ва диний ишларига оммавий раҳбарлик қилиш учун миллатлар халқ комиссаријати қошида махсус “мусулмон комиссарлиги” тузишди.²³ У айнан ҳарбий “комиссарятлар” каби миллий белгига қараб эмас, диний равишда барпо этилганди. Шунга қарамай, мусулмон зиёлилари ва руҳонийларининг анча кўзга кўринган вакиллари мусулмонлар масаласида большевиклар иккиюзламачилик қилаётганларини, мусулмон халқларини “советларча тараққиётга” йўналтириш учун ташвиқотнинг юзсиз воситалари ва ҳатто алдовдан ҳам фойдаланаётганларини аниқ тушундилар. Шу муносабат билан мусулмон демакратик ташвиқотлари большевикларга қарши анча таъсирчан ишларни бошлаганда совет ҳукумати қатағон йўлини тутди – у Петрограддаги “Марказий мусулмон кенгаши” ва унинг Маквадаги бўлими – Миллий шўро “Бутунроссия мусулмон ҳарбий кенгашни” ёпиб қўйилди.²⁴ Улар “тор-миллатчилик” ва “буржуа -миллатчилиги”да айибландилар.

²² Авторхонов Абдурахмон. “Кремл салтанати” // рус тилидан таржима ва сўзбоши. Қ Бахрвники – Т. Чўлпон 1993й. 42-бет

²³ Авторхонов Абдурахмон. “Кремл салтанати” // рус тилидан таржима ва сўзбоши. Қ Бахрвники – Т. Чўлпон 1993й. 43-бет

²⁴ Авторхонов Абдурахмон. “Кремл салтанати” // рус тилидан таржима ва сўзбоши. Қ Бахрвники – Т. Чўлпон 1993й. 43-бет

Қолаверса, Шерали Лапин 1917 йил 18 ноябрда советларнинг 3-ўлка съездида мусулмонлар кенгашини резолюциясини эълон қилади.²⁵ Шунда Шерали Лапин айтадики, “мусулмон совет ҳукумати томонидан эълон қилинган миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш тамойилига асосланиб, ўзларига бутун ҳокимятни топширишларини талаб қилишлари ҳам мумкин эди, лекин улар “келгинди элементлар”, вакилларининг ҳокимятга катнашишига йўл қўйиб, уларга ён бермоқдалар”²⁶ Провардида Шерали Лапин бундай дейди: “Мусулмонларнинг тутган йўли мустақил йўлдир, бу йўлни уларга Қуръон ва шариат қоидалари кўрсатиб берган. Шунинг учун улар рус сиёсий партияларидан бирортасига ҳам қўшила олмайдилар, лекин барча халқ ташкилотларига таяниб, Таъсис мажлисига олиб келадиган ҳокимятни қўллаб қуватлайдилар, мусулмонлар рус инқилобининг халқларни ўз тақдирини ўзи белгилаши тўғрисида ишонадилар”.²⁷ Шундан сўнг Шерали Лапин мусулмонлар кенгаши номидан ўлкани идора қилишни ташкил қилиш ҳақидаги таклифларини маълум қилади. Бироқ советларнинг 3-ўлка съезди, мусулмонлар съезди, мусулмон ташкилотлари ўлка кенгашининг, ўлкани идора қилишни ташкил қилиш ҳақидаги таклифларини бутунлай рад этди.

Бундай муносабатдан кўриниб турибдики, советлар мусулмон халқини ҳокимиятга яқинлаштирмасликка уринган. Шўроларнинг ислом динига бўлган муносабатларини шу каби сиёсатлар, воқеа-жараёнлар яққол кўрсатиб беради.

Шуни таъкидалаш лозимки, Қизил армия эгаллаб олаган мусулмон юртларда большевиклар ўта эҳтиёткорона ва жуда қайишқоқ миллий-диний сиёсат юргиздилар. Ленин айтган эди: “биз ханузгача ўз муллалари таъсирида юрган қирғиз, ўзбек, тожик, туркман каби халқларга нима ҳам дея оламиз?... биз бу халқларга келиб: “сизни эзиб ётган эксплуататорларни ағдарамиз?” –деб айта оламизми? Биз бундай қила олмаймиз чунки, улар бизга эмас, ўз

²⁵ Жўраев Н, Каримов Ш, “Ўзбекистон тарихи” 2-китоб, “Шарқ” – Т. 2011й. 49-бет.

²⁶ Жўраев Н, Каримов Ш, “Ўзбекистон тарихи” 2-китоб, “Шарқ” – Т. 2011й. 50-бет.

²⁷ Ўша манба 49-50-бетлар.

мусулмон, муллаларига тамоман ишонадилар”.²⁸ Ленин ислом кўрғонини олишдан ва зимдан йиқитишни маслаҳат беради.

Большевиклар томонидан олиб борилган айёрона тадбирлар, большевикларга қарши бош кўтарган исёнчиларнинг ичидан анча мусулмон руҳони йўлларни ва кўпчилик халқни советлар томонига оғдирди. Руҳонийларнинг исёнини бас қилган кисмини большевиклар 1923 йилнинг 23 декабрида ўзларига хизмат қилдирдилар.²⁹ Улар барча муллалар иштирокида “Совет ҳокимияти исломга қарши эмас” деган шиор остида “умумлақайлар мажлиси”ни ўтказдилар, кейин бундай йиғинлар Ўрта Осиёнинг бошқа жойларида ҳам ўтказилди. Исломнинг “Комм унизм балан оғалашуви” 20йилларнинг охирида тугади. Ислом динини ашаддий ва изчил йўқотиш, мусулмон руҳонийлари ва зиёлиларини жисмонан ўлдириш ҳатто миллий комунистларни ҳам “Партияга олдаб кириб олганлар” ҳамда “мусулмон руҳонийлари билан ошкора тил бириктирганлар” сифатида қатағон қилиш бошланди. Шундан бошлаб “Мусулмон халқлари” ибораларининг ўзини тилга олиш ҳам жиноят бўлиб қолди.

Сталин бундай қирғинларни изчил ва доимий амалга оширди. Хўш, Сталин уюштирган қирғин ва очликдан қача мусулмон ҳалок бўлди? Аниқ жавобни фақат КПСС Марказий қўмитаси ва КГБ билади. Партия XII съезди қароридан олган 1923йил малумотлари бўйича ССРда ўш пайтда 30 миллион мусулмон яшаган, 1959йилги рўйхотга олиш натижадларига кўра Сталин зўравонлиги даврида мусулмон аҳолисининг сони 24 миллионга тушиб қолди.³⁰

Яна шу нарсага этибор беришимиз керакки, мусулмонлар кўп болали эдилар. Нега кўпаймасдан камайдилар? Шунингдек “Ўзбекистон адабиёти ва саъати” газетасида қайд этилишича, 1929-1939йилларда фақат биринчи Туркистон ҳудудининг ўзида 14000 масжид ва мадрасалар ёптирилиб

²⁸ Авторхонов Абдурахмон. “Кремл салтанати” // рус тилидан таржима ва сўзбоши. Қ Бахрвники – Т. Чўлпон 1993й. 43-бет

²⁹ Авторхонов Абдурахмон. “Кремл салтанати” // рус тилидан таржима ва сўзбоши. Қ Бахрвники – Т. Чўлпон 1993й. 44-бет

³⁰ Авторхонов Абдурахмон. “Кремл салтанати” // рус тилидан таржима ва сўзбоши. Қ Бахрвники – Т. Чўлпон 1993й. 46-бет

юборилган ёки буздирилган. Шайхлар, имомлар ва бошқа дин арбоблари шу мадраса, масжиддаги энг оддий ишчисидан тортиб юқори малакали шайхларгача барчасини қатағон қилинган.³¹

Демак, шўро ҳукумати диндорларга нисбатан ҳар томонлама тақиб ва таъзиқни кучайтирди, уларни сайлов ҳуқуқларидан маҳрум этди. Масалан, - “1926йил ёзида ўтказилган шўро сайловларида 27.453 киши, 1926-27йиллар кишидаги сайловга эса, 33204 киши сайлаш ҳуқуқидан маҳрум этилди. Уларнинг кўпчилиги диндорларнинг вакиллари эди”.³²

1929йили 18-мартда Фарғона вилоятининг Шохимардон қишлоғида ўлдирилган Хамза Хақимзода Ниёзий иши шўроларнинг ислом дини ва руҳоний уламоларга қарши оммавий қатъий ҳаракат учун бир бахона бўлганди. 124-сонли Хамза Хақимзода Ниёзий иши бўйича бир йўла 56 киши устидан ҳуқум чиқарилди ва улар диндорларнинг вакиллари эдилар. Махбусларга Ўзбекистон ССР жиноят кодекснинг 64- моддаси бўйича жазо белгиланди ва улар қатағон қилинди.³³

Мана шу машъум воқеадан сўнг шўро ҳукумати ислом дини ва уламоларга қарши оммавий кураш ва қатағонликка ўтган эди.

Демак, шўро ҳукумати ва компартия ислом динини ўзининг асосий рақиби деб билди ва унга қарши муттасил ва шафқатсиз кураш олиб борди. Бу курашни шўролар ўз ҳаётининг сўнги йилларига қадар олиб борди, десак бўлади.

³¹“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 1993йил 4-июн.

³²Жўраев Н, Каримов Ш, “Ўзбекистон тарихи” 2-китоб, “Шарқ” – Т. 2011й.

³³Жўраев Н, Каримов Ш, “Ўзбекистон тарихи” 2-китоб, “Шарқ” – Т. 2011й. 418-бет.

3§. Атеистик қарашларнинг жамиятда кучайтирилиши.

Маданий сохаларни мафкурамизга солиш дин масалаларини ҳам четда қолдирмади. Максизмга асосланган совет мафкуралари исломнинг юксак илмий-маданий қимматини инкор этиш учун унга нисбатан “Сотциалистик турмуш тарзига мос келмайдиган” эски, қулоқ, реакцион қарашлар деган устқурмани танлаб олдилар. Бу устқурмаси Ўрта Осиё тарихи билан шуғулланган машҳур шарқшунос олим В.В.Бартолднинг исломни жаҳон тарихини бир кўриниши бўлган мусулмон маданияти сифатида таърифи эътиборга олинмади. Ўша пайтларда илғор руҳонийларнинг берган маслахатлари, уларнинг тинчлик-тотувлик билан таълим ислохотларини амалга ошириш тўғрисидаги таклифлари рад этилди. Чунки расмий ҳукумат улардан хавфсираб, бу янги шароитга мослашиб олиш учун уринаётган руҳонийларнинг айёр сиёсатидир, деб баҳолади.³⁴

Партия ва давлат арбоблари орасида ислом динининг Ўрта Ўсиёдаги маҳаллий миллатларнинг мустамлакачилик зулмига ва руслаштиришга қарши раҳнамоси деган фикр мавжуд эди.³⁵ Шунинг учун ҳам динга ва руҳонийларга қарши 1930йилларда очикдан очик “совуқ уриш” эълон қилинди. Бунинг учун махсус “Курашчан худосизлар” ташкилоти тузилиб, унинг бўлимлари барча қорхона ва муассасаларда ташкил этилди. “Курашчан худосизлар” иттифоқи умумий шубҳаланиш вазиятини кучайтиришда катта роль ўйнади. Унинг фаолиятида ёш қизларни турмушга бериш, қалин олиш, айёлларни хўрлаш, ҳолларига қаршилиқ кўрсатиш каби ишларда ижобий натижаларга эришган бўлсада, бироқ руҳонийлар ва динга эътиқод қилувчиларга нисбатан шавқатсиз кураш олиб боришда салбий роль ўйнади. Бу ташкилот берган маълумотлар асосида республика ҳукумати томонидан

³⁴Икромов А. Одуховенстве и школе // Избранные труды в 3-х томах. –Т. 1972г. Т.1с.280-297б.

³⁵Хансуваров И. Мусдуховенство // “Комунистическая мысль” Кн.5 -Т. 1927. С.60-102.

1931йилнинг ўзида Фарғона, Бекобод ва Тошкентга бир қатор черковлар, масжидлар ва диний мактаблар ёпиб қўйилди.³⁶

Тошкентнинг Октябрь тумани аҳолиси комсомол клубларига айлантирилган масжидларни халққа қайтаришни талаб қилиб чиқди. Лекин бу чиқишлар тузумга қарши уюштирилган тарғибот деб бахоланди. “Курашчан худосизлар” иттифоқи хисоботида кўра 1931йилда беш йиллик режа бажарилган бўлиб, унинг сафига Ўзбекистонда 90000 киши аъзо бўлган, улардан 60000 нафари ёшлар эди.³⁷ Лекин шунга қарамасдан ўзбекистон халқлари диний этикодидан, диний кадрятларидан мутлақо воз кесмади. Большевикларнинг динга қарши зоравонлик ва таъкиблари остида бўлсада, бу эътиқодни имкон даражасида сақлаб қолишга ҳаракат қилди. Бироқ болшевиктик сиёсий доиралар ўзгача динни, ўзгача эътиқодни халқ онгига сингдиришга ҳаракат қилди.

Бу дин – партиянинг дини, яъни Марксизм ғояси эди. Бу ғояни оммалаштириш учун барча имкониятлар, воситалар ишга солинди. Жамиятда асосий мафкура сифатида Марксизмнинг киритилиши натижасида бошқа дунё қарашлар батамом инкор этилди. Марксизм ғоясини қабул қилмаган ҳар бир киши у ким бўлишидан қатъий назар, “Халқ душмани” деб эълон қилинди.

Ижтимоий ҳаётнинг Марксизм - Ленинизм мафкураси измига солиниши айниқса адабий жараёнда яққол кўзга ташланади. 1925-1934йилларни ўз ичига олган дастлабки давр Марксча - Ленинга мафкура измидаги ёзувчилар ташкилотини тузиш йўлидаги изланишлар билан характерли бўлди. Шу нуқтаи назардан қараганда, РКП(б)МҚнинг 1925йил 18-июндаги “Партиянинг адабиётдаги сиёсати тўғрисида”ги қарори ўзбек адабиётининг кейинги тақдирида ҳал қилувчи роль ўйнайди.³⁸ Бундай ташкилий ишлар, жамиятдаги бундай сиёсатлар орқали қандай бўлмасин

³⁶Макаров К. Отчетный доклад о деятельности республиканской организации “Курашчан худосизлар” за 1930-31гг. –Т. 1931. С.14.

³⁷Уша жойда 196.

³⁸Шамсиддин Р. Каримов Ш. “Ўзбекистон тарихидан материаллар”. 3-китоб “Андижон” 2004-й.

мусулмон халқини этиқодидан вос кечтириб, динни йўқ қилиб, халқ онгига умуман бошқа ғояларни сиингдиришга ҳаракат қилинган.

Ўзи умуман Совет ҳукуматининг даврини Яъни 20йилларни атеистик ҳаракатнинг кучайиши билан тарифланади. Бу атеистик руҳнинг жамиятда кучайишига кенг қулоқ ёйишига, Партия оргонлари айниқса ёшлар орасида динга қарши кенг миқёсида ташвақот-тарғибот ишлари олиб борилгани сабаб бўлди десак ҳам адашмаймиз.

Атеизмга доир махсус газета ва журналлар, ҳар –хил оммавий адабиётлар нашр қилинди, динга қарши мавзудаги турли хил спектакллар қўйилди. Юқорида такидланганидек, “Худосизлар уюшмаси” тузилди, унинг жойлардаги кўпдан –кўп ташкилотлари зор бериб атеистик иш олиб борди.³⁹Б фуқороларнинг дин эркинлигига, ҳуқуқига қилинган ошкора тажовуз эди ва шу сабабдан руҳонийлар орасидагина эмас, халқ орасида ҳам норозиликлар туғдириб, одамларни эсанкиратиб қўйди.

Мусулмон руҳонийларининг роли камситилиб, йўққа чиқариб қўйилди, бироқ маҳаллий халқни анъанавий турмушида ислом дини сақланиб қолди.

Қолаверса, шу даврларда университетлар пештоқларида “Дин – бу афюндин” деган жумлалар бор эди. Бу ёшлар онгига, омма онгига сингдириш мақсадида ёзилган эди. Бундай ҳлатлар кўплаб бўлганини кузатишимиз мумкин. Яна шуни ҳам такидлаш даркорки, “Сталиннинг 30йиллик жисмоний қатағони, дахшатли давлат атеизм машинасининг 60 йиллик руҳий зўравонлиги мусулмонларнинг ўз динидан, қайтара олмайди. Хатто 70 йиллик масжид, мадрасаларни бузиш, Қурон тиловат қилиб, номозда имомга ўтадиган мулларни ўлдиришдан кейин ҳам, совет маълумотларига қараганда, мусулмонларнинг 80 фоизини тақводорлигини

³⁹Авторхонов Абдурахмон. “Кремл салтанати” // рус тилидан таржима ва сўзбоши. Қ Бахрвники – Т. Чўлпон 1993й

тан олади. Қолган 20 фоизи эса Хрушчев айтгандай, ишхонада – комунист, уйда эса ...художўйдир”⁴⁰.

Демак, шу даврларда ўзини худосиз ҳисоблайдиган одам ҳам ёлғиз қолганда қалбини тавтиш қилаверади. Шу сабабли ҳам Туркистонлик шўро фаолларидан бири мен атеистман, аммо мусулмонман деган эди, бу билан у ўз миллати ва маданиятини назарда тутди.

Шўро ҳукумати даврида, болалар боғчаларидан тортиб олий ўқув юртларига қадар босқичларда ёшларни дахрийлик, атеизм руҳида тарбиялаш дастурлари, дарслик ва қўлланмалар ишлаб чиқилганди. Муқаддас Қурони Карим китобини ўқиш ман этилганди. Ислом таълимотига ҳурфот ва битиат сифатида қаралди.⁴¹ Қурон китоби насронийлар учун рус тилига таржима қилинди, аммо ўзбек тилига –мусулмонлар учун таржима қилинмади.

Демак, юқоридаги фикрлардан кўришимиз мумкинки, шўроларнинг душмани бўлган ислом динини йўқотиш, турли таъзийқлардан ташқари, турли ғоялардан ҳам бор кучи билан фойдаланишди. Ислом дини мусулион халқларига тўғри ва аниқ мавқурани, маънавиятни, ўзини англашни белгилаб берарди. Мусулмонларни дин иродали, мустаҳкам бир ғояга бирлаштиришга ёрдам берганди. Ўзбекистон миллий мустақилликка эришгач, 1992йилда Қурон муқаддас китобимиз ўзбек тилига ўтирилди. 2001йили эса бу муқаддас китобни янги таҳрирдаги таржимаси нашр этилди.

⁴⁰ Авторхонов Абдурахмон. “Кремл салтанати” // рус тилидан таржима ва сўзбоши. Қ Бахрвники – Т. Чўлпон 1993й. 47-бет.

⁴¹ Жўраев Н, Каримов Ш, “Ўзбекистон тарихи” 2-китоб, “Шарқ” – Т. 2011й. 416-бет.

4§. Совет ҳукумати томонидан динга нисбатан олиб борилган сиёсат оқибатлари

Шўро ҳукумати ислом руҳонийларига, диндорларига, умуман ислом динига нисбатан шу қадар изчиллик, эҳтиёткорлик, қайишқоқлик билан ва яна керак бўлса, қаттиққўллик, шавқатсизлик билан сиёсат юргиздики, бу сиёсат ўзининг натижаси ва оқибатларини кўрсатмасдан қолмади.

Масжид ва мадрасалар хусусида тарихий архив ҳужжатларида ва оммавий ахборот воситаларида ҳар хил маълумотлар берилади.

Жумладан, “ЎзССР Шўролар МИҚ раисининг ўринбосари Манжара томонидан 1936йил 1-январда имзоланган маълумотномага қараганда, октабр тўнтарилишига қадар Ўзбекистон ҳудудида 15877 та масжид, мадрасалар ва нооз ўқиладиган жойлар бўлган”.⁴² Покистонлик Мавлоно Рогоб Холан маълумотларига қараганда, Туркистон ҳудудидан масжид ва мадрасалар сони 27 мингдан ортиқ бўлган. Манжара ана шу масжид мадрасалардан 1936йил 1-январгача 8489 та қолганлигини⁴³ хабар беради. Оммавий ахборот воситаларида масжид ва мадрасаларга қирон келтириш шўро тарихида икки мартда махсус уюштирилганлиги такидланади. Биринчиси 1934-1939йилларда, иккинчиси эса 1954-56йилларда уюштирилган.⁴⁴ Қолаверса, шўро ҳукумати Туркистонлик мусулмонларни маккаи мадинага, ҳаж сафарларига боришини 1920йилда тақиқлаб қўяди ва 1944йилга қадар ҳеч ким ҳаж сафарига бормади.⁴⁵ МИҚ 1921йил апрел ойида махсус декрет билан ўлкада “қалин тўлаш” қондасини тақиқлади. “Рўза ҳайити”, “Қурбон ҳайити”, “Наврўз” каби халқ байрамлари тақиқланди, ҳатто исломгача ҳам халқнинг энг сеvimли таоми бўлиб келган Сумалакни пайғамбарлар таоми сифатида тақиқлаб қўйилди.

⁴² Жўраев Н, Каримов Ш, “Ўзбекистон тарихи” 2-китоб, “Шарқ” – Т. 2011й. 414-бет.

⁴³ Уша жойда

⁴⁴ Жўраев Н, Каримов Ш, “Ўзбекистон тарихи” 2-китоб, “Шарқ” – Т. 2011й. 416-бет.

⁴⁵ Уша жойда.

Совет ҳокимияти халқимизни мана шу каби муборақ, урф-одатлару, миллий анъана, ота-боболаримизни қанчалик қайноқ ва захматлар чекишига мажбур этди.

Минг ачиниш билан шуни айтиш лозимки, бува ва боболаримиздан эшитганимиздек, шўролар ва уларга бўйсунувчилар мусулмон бўлган инсонларни тутган рўзаларини мажбурлаб очишга, рўза тутмасликка қаттиқ уринишган.

Қолаверса, бундай мусулмон байрамларини йўқ қилиш оқибатида, ҳукумат унинг ўрнига янги шўро байрамлари ва тантаналарини жорий қилди. Булар: бизга мутлақо алоқаси бўлмаган “октабр тантанаси”, “СССР конституцияси куни”, “Қизил армия куни”, “В.И.Лениннинг туғилган кунини нишонлаш”, СССР ва Ўзбекистон ССР нинг ташкил этилганлигини нишонлаш шулар жумласидандир.⁴⁶

Энг ачинарли томонларидан яна бири, ўша даврда миллий қийимларимизда юриш, суннат тўйи қилиш, ўз она тилида мулоқотда бўлиш эскилик сарқити ва маданиятсизлик кўриниши деб баҳоланганди.

Қолаверса, хотин-қизларни “озодликка чақириш” бахонасида Шўро ҳукумати 1927йилда республикада “хужум” ҳаракатини бошлайди. Хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш, маълум маънода бу ҳаракат ижобий баҳоланса-да, уни ташкил этишдан кўзланган бош мақсад реакцион характерда эди.

Шўро ҳукумати ва компартия “хужум” компаниясига сиёсий – синифий тус берди, ислом руҳонийлари, миллий-диний кадрятлар ва аждодларимизнинг тарихий миллий-маданий урф-одатлари ва анъаналарига амал қилувчи оилалар ва эркакларни савияси паст-қалоқ, айёлларга бой – феодалларча муносабатда бўлувчи шахслар, айёллар озодлигининг асосий душманлари деб эълон қилди. Шўро идоралари ва партия ташкилотлари қошида махсус “хотин-қизлар кенгаши” тузилиб оилалар ишига қўпол

⁴⁶ Жўраев Н. Каримов Ш, Ўзбекистон тарихи. 2-китоб, -Т. Шарқ, 2011 й. 416- б.

суратда аралашди, кўп холларда хотин-қизларни эркакларга қарама-қарши кўяди.

Қолаверса, шўро ҳукумати бу ҳаракатни ўтказишларидан бир қанча мақсадларни кўзлаган эди: ўзбек халқининг тарихан таркиб топган миллий, ахлоқий, шарқона анъана ва қадриятларини ғорат қилиш ва манавиятимизга зарба бериш “хотин-қизларни озод қилиш” бахонасида саноат корхоналари, жамоа ва давлат хўжаликларида арзон гаровда ишлайдиган қўшимча ишчи кучига айлантириш эди.

Ҳар бир мусулмон оилалари, ва хонадонларга қанчалик кулфат ва қийинчиликлар олиб келди. Бунинг оқибатида оилалар ўзларини боқувчисини, фарзандларини йўқотди.

Улуғ адибимиз Чингиз Айтматов ҳам “хужум” компанияси хусусида шундай ёзади: “Афсуски, давлат томонидан ўтказилган “хужум” компанияси ўша даврнинг оғир ҳолатларидан бири эди, дейиш камлик қилади. Бу инсониятга қаратилган жиноят эди. Устига устак илохий оламнинг қурилмасига қарши йўналтирилган эди. Худонинг барқарорлигини инкор этган муртодлар худонинг вазифасини ўз зиммасига оладилар ва “янги одам яратамиз” – деб, даҳшатли ўйин бошлайдилар.”⁴⁷

Шўро тарихчиси шундай ёзади: “1920йилларда Тошкентда ўлка тарихида биринчи мартта Диний бошқарма (махкамаи шария) ташкил топди, уни исломнинг машхур арбоблари бошқардилар. Бошқама котиби, бўлимларга эга бўлиб, улар мерос ва никоҳ, қўйди-чиқди ишлари, диндорларни тайёрлаш, ўқитиш ва ишга қўйиш, диний ўқув илмгохларини бошқариш ва хоказо муассасаларни хал қилиш билан шуғилланадилар. Диний бошқарманинг барпо этиши имомларнинг бирлашувига, уларни тайинлаш ва алмаштиришнинг маълум тартибга тушувига олиб келдики, бундай ходиса аввал кузатилмаган эди. Анъанага кўра имомлар маҳалаларнинг обрўли шахсларидан сайланар ва ҳеч кимга бўйсунмас эди.”⁴⁸

⁴⁷ Чингиз Айтматов. Қояда қолган кўз ёшлар. – жохон адабиёти. “Адабий-бадий публистик” журнал. 1997 й. 2-сон. 11-б.

⁴⁸ Саидбоев “Ислом ва жамият” М 1978 й. 146-147-б.

Совет ҳукумати мусулмон ўлкаларда ҳатто дам олиш кунини якшанбадан жумага кўчирди. Ўзбекистон комфирқаси Марказқўмининг котиби кейинчалик Бухарин ва Риков жараёни бўйича отиб ташланган Акмал Икромов ўз маърузаларидан бирида очик тан олган эди: “Совет давлати ислом дини ва унинг ташкилотларига нисбатан қабул қилган чора тадбирлар партиянинг ён бериши эмас ўйин усулидир”⁴⁹

Буларнинг барчасини исботини шўроларни олиб борган сиёсатларида кўришимиз мумкин.

Большевикларнинг мусулмон сиёсати совет тузумининг барча босқичларида ўз ички боғлиқлиги ва изчиллигага эга бўлсада, 70 йил давомида унинг ҳар хил нусхалари ва қирралари қўлланди. Бу сиёсатнинг асосчиси бўлган Ленин эҳтиёткор, сабр-тоқатли, қайишқоқ эди. У асосий кучини ишонтиришга сарифлади.

Унинг шогирди Сталин хусусий, груҳий, синифий ва миллий қирғинга зўр берди. Рус бўлмаган миллаталарнинг миллийлигини, эътиқодини йўқотиб бўлмайди ва ҳеч қачон бунга эришиб бўлмайди.

⁴⁹ Икромов А. Танланган асарлар. –Т. 1972-74 й. 3-том. 301-б.

Хулоса

Курс ишининг хулоса қисмида тадқиқотга эришилган асосий қисмида, муҳим натижалар умумлаштирилиб, қуйдаги хулосага келинди.

Бринчидан, Шўро ҳукуматининг ислом динига муносабатининг моҳиятини очиб бериш; шўро ҳукумати ва большевиклар томонидан динга нисбатан олиб борилган таъзийқ ва тақиблар натижасида динни чеклашга, ҳар бир мусулмонни иймонидан, этиқодидан вос кечтиришга уринишиди. Улар исломни, ислом урф-одатларини менсимаган ҳолда эскилик сарқити сифатида қарашди ва шавқатсизларча муносабатда бўлишди.

Иккинчидан, Совет ҳукумати томонидан диний маънавий кадрятларга нисбатан юритилган сиёсати моҳиятини очиб бериш; Шўро ҳукумати шундай шавқатсиз сиёсат юргиздики, натижада мусулмонлар мачитларга боришдан, номозлар ўқишдан, рўза тутишдан, ислом дини байрамларини нишонлашдан, ҳаж сафарига боришдан барча-барчасидан маҳрум бўлгандилар. Дин уламоларини эса, қуруқ тухмат ва бўхтонлар орқали жисмонан йўқ қилишга қаттиқ уринишди. Улар томонидан олиб борилган шавқатсиз сиёсат кўплаб мусулмонларнинг ёстиғини қуритди.

Учинчидан, Атеистик қарашларнинг жамиятда кучайтирилиши ва унинг оқибатларини кўрсатиб бериш; Шўро ҳукумати ва большевиклар томонидан турли хил атеистик ташкилотлар ташкил топдики, уларнинг мақсади ёшларни дахрийлик, атеизм руҳида тарбиялаш, ва умуман ўзга ғоя Марксизм ғояларини сингдириш эди. Ўлкада “Ҳудосизлар уюшмаси” тузилиб, зўр бериб кўплаб атеистик иш олиб борган бўлсада, мусулмон

халқининг ўз этиқодидан вос кечтириолмади, иродасини бука оллмади, улар ўз урф-одатлари ва миллийликка содиқ қолишди дея оламиз.

Тўртинчидан, Совет ҳукумати томонидан динга нисбатан олиб борилган сиёсат оқибатларини кўрсатиб бериш; Большевикларнинг мусулмон сиёсат тузумининг барча босқичларида ўзаро боғлиқлик ва исчиллик кўриниб турсада, улар ҳукумронлик йилларида турли хил қирралари ва йўналишларидан фойдаланишганди. Жумладан, шу даврда ҳукумат ғазнаси бўшаб қолганди, шу сабабдан ҳам улар масжид ва мадрасаларга тегишли бўлган тарихий асори антиқалар ва вақф ерларини тортиб олишганини кўришимиз мумкин. Бундан кўзланган мақсад эса, ғазнани тўлдириш ва ўз навбатида тортиб олинган вақф ерларини ҳам пахта майдонларига айлантириш эди.

Ха, шўро ҳукумати қанча кўп, қандай йўллар билан ўлкамизда ислом динини йўқ қилишга урунмасин буни уддалай олмади. Ўзбекистон мусулмон халқларини бу дин қон-қонига сингиб кетган экан, ислом дининг йўли тўғри эканини кўришимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И. А “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” Т- “Ўзбекистон” 1998йил.
2. Каримов И. А “Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз” Т- “Ўзбекистон” 1999йил.
3. Каримов И. А “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” Т- “Ўзбекистон” 1992йил.
4. Каримов И. А “Юксак маънавият –енгилмас куч” Т- “Маънавият” 2008йил.
5. Каримов И. А “Бунёдкорлик йўлидан” Т-“Ўзбекистон” 1996йил.
6. Жўраев Н, Каримов Ш. “Ўзбекистон тарихи” Т-“Шарқ” 2011йил.
7. “Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида”, “Ўзбекистоннинг янги тарихи” Т- “Шарқ” 2000йил.
8. “Ўзбекистон тарихи” Қ. Усмонов, М.Содиқов Т-2011йил.
9. Мухаммаджонов Ахад ва Неъматов Талъат “Бухоро ва Хиванинг Россия билан муносабатлари тарихига оид баъзи манбалар ”
10. Аъзамходжаев С. “Туркистон мухторияти” Т-“Ўзбекистон” 1996йил.
11. Алимова Д, Голованов А, “Ўзбекистон совет мустабит тузуми даврида сиёсат ва мафкуравий таъзийк” .
12. Шамсиддинов Р. ва бошқалар “Ўзбекистон тарихидан материаллар” (3-китоб) “Андижон” 2004йил.
13. Эшонов О. “Бухоро халқ совет республикасининг ташкил топиши” (1920-1924йил)
14. Ражабов Г. Хайдаров Н. “Туркистон тарихи” (1917-1924йил)
15. Абдурахимова Н А, Эргашов Ф Р, “Туркистонда Чор мустамлака тизими” Т- Академия 2002йил.
16. Зиёева Д. “Туркистонда миллий озодлик ҳаракати” Мустабит тузумга қарши: 1916йил ва 1918-1924йилги халқ курашлари тарихшунослиги.
17. Алимова Д.А., Каримов Р.Х. “Ўзбекистон тарихи” Т- 2004йил.
18. Ражабова Р.Э. “Ўзбекистон тарихи” Т- “Ўқитувчи” 1994йил.
19. Қахрамон Ражабов “Бухорога Қизил армия босқини ва унга қарши кураш” Т- манавият 2002йил.